











туриш, уни янги сифат даражасига кўтариш ва мазкур жараёнда йўл қўйилаётган хатоликларни тузатиш ҳамда иштирокчиларнинг хатти-ҳаракатларини тартибга солиш йўналишидаги вазифаларни бажарилиши жараёнида тартибга солиш-мувофиқлаштириш функцияси амалга оширилади ва мазкур функция ёрдамида ПТСЖ иштирокчилари фаолияти мувофиқлаштирилади. ПТСИни ташкил этиш ва бошқариш жараёнида мазкур функцияни амалга оширишда иқтисодий методлардан фойдаланиш ўзига хос аҳамият касб этади, чунки иқтисодий методлар ўзаро боғлиқ бўлган иқтисодий кўрсаткичларнинг йиғиндисини тавсифлаб, ҳар бир иштирокчи учун талаблар белгилаш билан биргаликда замонавий талаблар даражасида фаолият кўрсатишлари учун шароитлар яратади.

Педагогик тажриба-синов билимлар амалиёти учун аҳамиятли янги назарий ва методологик маълумотлар олишга йўналтирилган илмий фаолият жараёни ва натижасидан иборат. Бизнингча, ўтказилаётган ҳар қандай педагогик тажриба-синов ишлари пировардида амалий педагогик фаолиятни илмий асослашга қўшилган ҳисса бўлиб ҳисобланади. Самарадорлиги юқори бўлган, кутилган натижаларга эришган тажриба-синовга асосланиш амалий педагогик фаолиятни унумли қилади, амалий педагогик фаолият эса илмий ижодкорликка ёрдам беради.